IJTIMOIY HIMOYA
MILLIY
AGENTLIGI

# “Ижтимоий давлат” тамойили асосида маҳалла даражасида аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдамларни кўрсатиш тизимини ташкил этиш механизмлари

# Ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдам турлари (жами 49 та хизмат)

**49** **Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар,** шу жумладан:

*Жами ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар турлари*

**26 та “Инсон” марказларида**

**23 та** *Махаллалардаги ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар*

## Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар бўйича

- **Чуқурлаштирилган тиббий кўрик**дан ўтказиш **графигини** патронаж ҳамшира билан биргаликда **тузиш**;
- Ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахс деб **эътироф этиш** ёки **бекор қилиш**;
- **Қариндошлари** ва **яқин инсонлари** ўртасидаги муносабатларни тиклаш (ўрнатиш) ва ташкил қилиш.

## Ногиронлиги бўлган шахслар, оғир касалликка чалинганлар, шунингдек, жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар бўйича

- **Протез-ортопедия мосламалари** ва **реабилитация қилишнинг техник воситаларини** олиш учун ариза;
- **Психологик-тиббий-педагогик комиссия**ларнинг хулосасини олиш учун ариза қабул қилиш.

## Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари бўйича

- **Аёлларни реабилитация қилиш маркази** ва ҳудудий бўлинмаларида ёрдам кўрсатилган ҳамда **ҳимоя ордери** берилган шахсларни **сайёр мониторинг** қилиш.

## Кам таъминланган оилалар бўйича

- Кам таъминланган оилалар болалари учун **нафақа тайинлашга** ариза қабул қилиш;
- Кам таъминланган оилаларга **моддий ёрдам тайинлашга** ариза қабул қилиш.

## Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда тўлиқ бўлмаган оилалардаги болалар бўйича

- Боланинг **қариндошлари** ва **яқинлари** орасидан **васийликка ёки ҳомийликка** олишни истаган шахсларни аниқлаш, **маълумотларни** васийлик ва ҳомийлик органига юбориш.

## Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан фарзандлари олиб кетилган ота-оналар

- **Ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф** мавжуд бўлган болалар маълумотларини васийлик ва ҳомийлик органига **вакил тайинлаш учун юбориш.**

## Ота-онаси хорижий давлатларга кетган, шу жумладан ташқи меҳнат миграциясига кетган болалар, вояга етмаган (18 ёшгача бўлган) ёлғиз оналар ва оталар

- Ота-онаси **3 ойдан** ортиқ **миграцияда бўлган** болаларни аниқлаш ҳамда маълумотларни **васийлик ва ҳомийлик органига юбориш**



Ижтимоий хизматлар ва ёрдамларни **манзилли** ҳамда **тезкор кўрсатиш** мақсадида маҳалланинг ижтимоий паспорти юритиб борилади

## Фото 3*4, Фамилияси, исми ва отасининг исми

- Туғилган санаси ва жойи
- Тамомлаган олий ўқув юрти ва вақти ҳамда маълумоти
- Мутахассислиги ва аввалги иш жойи
- Ишга кирган санаси ва иш стажи
- Телефон рақами ва электрон почтаси
- Судланганлик ҳолати ва яшаш манзили
- Бошқа маълумотлар

## Ижтимоий ходим ҳақидаги маълумотлар

- Ижтимоий ходим **ассистентлари**
- **маҳаллаларга** бириктирилганлиги
- “Инсон” ижтимоий хизматлар **маркази**

## Маҳалланинг таснифи

- **Нодавлат нотижорат** ташкилотлар сони
- **Жамоат бирлашмалари** сони
- **ОАВ, телевидение** ва **радиолар** сони

## Маҳалла ва унинг аҳолиси ҳақидаги умумий маълумотлар

- Маҳалланинг **умумий майдони** ва кўчалар сони;
- **Аҳоли сони** (эркак, аёл, ёшлар, вояга етмаганлар ва иқтисодий фаол аҳоли сони);
- **Оила ва хонадонлар сони**, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ва оилалар сони ;
- **Ишсизлар сони** (расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар, рўйхатдан ўтмаган ва иш жойига муҳтож шахслар сони);
- **Мамлакатдан ташқарига** ишлашга кетганлар сони (расмий ва норасмий сони);
- **Маҳалладаги муассасалар сони** (мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари, мономарказлар, реабилитация марказлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқалар )



## Ижтимоий ходим

## Маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами (умумий сони)

1. **Ёлғиз яшовчи** ва **ёлғиз кексалар** сони
2. **Ногиронлиги** бўлган шахслар ва оғир касаллар сони (Ногиронлиги бўлган **болалар** сони)
3. **Кам таъминланган оилалар** сони
4. **Тазйиқ** ва зўравонликка учраганлар сони
5. **Етим** ва **ота-она қарамоғидан маҳрум** бўлган болалар сони
6. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмасдан **фарзандлари олиб кетилган** ота-оналар
7. **Вояга етмаган** (18 ёшгача бўлган) оналар ва оталар сони
8. Ота-онаси **хорижий мамлакатларга** (мигрант) **кетган** болалар сони
9. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар
10. Ота-она қарамоғисиз қолган болалар
11. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқаролар
12. Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулоддаги вазиятлардан жабрланган шахслар

## Маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтожлар

- **Якка тартибда таълим олувчи ногирон** болалар
- **ишга** жойлашиш ва **касб-ҳунар** ўрганиш истаги бўлган ногирон
- **Меҳнат қилишга қобилиятли** бўлган ногиронлар
- **Расмий банд бўлган** ногиронлар

**Паспорт** маҳалла ва ундаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламилари ҳақидаги **умумий маълумотларни** яратиш мақсадида ишлаб чиқилди

Паспорт **манзилли** ва **тезкор ижтимоий ёрдамлар** кўрсатишга хизмат қилади

Паспорт **ишларни осонлаштириш, маълумотлар ҳисобини юритиш** учун керак бўлади

## Маҳалладаги нафақа, пенсия ва тўловлар олувчилар

- **“Темир дафтар”**да турувчи фуқаролар
- **“Аёллар дафтари”**да турувчи фуқаролар
- **“Ёшлар дафтари”**да турувчи фуқаролар
- **“Меҳр дафтари”**да турувчи фуқаролар

## Пенсия ва ижтимоий тўловлар олувчилар ҳақидаги маълумотлар

- Кам таъминланган оилалар учун **бола нафақасини** олувчилар
- Кам таъминланган оилалар учун **моддий ёрдам олувчилар**
- **Ногиронлик нафақасини олувчилар** (18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар, катта ёшдаги болаликдан ногиронлиги бўлганлар)
- **Ногиронлик пенсиясини олувчилар**
- **Боқувчисини йўқотганлик нафақаси** олувчилар
- **Боқувчисини йўқотганлик пенсияси** олувчилар
- 18 ёшгача ногирон **бола парвариши** учун нафақа олувчилар

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# ЎЗБЕКИСТОНДА КЕКСАЛАРНИНГ СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**4 082 207 нафар кексалар** (*55 / 60 ёшдан катта*)

**76,5%** — **3 124 минг** Ёшга доир пенсия олувчилар

**5,6%** — **234,9 минг** Ногиронлиги бўлганлар

**1,2%** — **48,7 минг** Ижтимоий ҳимоя агона реестрига киритилган

**0,7%** — **20 331 нафар** Ўзгалар парваришига мухтож ёлғиз / ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар

## МУАММОЛАР

**Оғир ижтимоий вазиятдаги кексалар ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож**

**Тоифа белгиланиши рақамлаштирилмаган** (*361 нафар ёлғизлар ва 201 нафар ёлғиз яшовчиларга тоифалар нотўғри белгиланган*)

**Парвариш муддатлари баҳоланишидаги хатоликлар** (*385 нафар кексаларга ҳафтасига 10 соат ўрнига 6 соат белгиланган*)

**Ижтимоий хизматлар юқори марказлашуви - маҳаллада** (уйда) кўрсатиладиган хизматлар **ижтимоий-маиший хизматлар** билан чекланган

**Саховат** интернат уйлари **тамойиллари маънан эскирган** ва **тўлиқ ислоҳ қилинишга муҳтож**

**Санатор-соғломлаштириш муассасаларига жойлаштириш тартиби рақамлаштирилмаган** (*навбатда 330 минг шахс*)




- **1 426** нафар ёлғиз **ногиронлиги бўлган** шахс
- **2 526** нафар ёлғиз яшовчи **ногиронлиги бўлган** шахс
- **4 223** нафар **ёлғиз** кекса
- **12 187** нафар **ёлғиз яшовчи** кекса

## ЁЛҒИЗ / ЁЛҒИЗ ЯШОВЧИ КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР СОНИ ДИНАМИКАСИ




## УЙДА ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИЛАР

| | АМАЛДА | ТАКЛИФ |
|---|---|---|
| Ижтимоий ходим **ассистентлари сони** | 2 338 | 3 530 |
| **Ўртача бириктирилган шахслар** сони | 8-10 нафар | **соатбай** иш тартиби |
| Ҳафталик **иш юкламаси** (соат) | ~ 60 | 40 |
| **Рағбатлантириш** | **мавжуд эмас** | **KPI** асосида иш ҳақининг **50 фоизигача** |

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## ЭСКИ ТАРТИБ

### УЙДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТЛАР

- Уй-жойларни тозалашда кўмаклашиш
- Овқат тайёрлашда ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни овқатлантиришда кўмаклашиш
- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини етказиб беришда кўмаклашиш
- Гигиена тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш

### УЙДА ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИЛАР

| | | |
|---|---|---|
| Ижтимоий ходим **ассистентлари сони** | 2 338 | 2 353 |
| **Ўртача бириктирилган шахслар** сони | 8-10 нафар | **соатбай** иш тартиби<br>*байрам ва дам олиш кунлари, **ҳафтасига 7 марта хизмат кўрсатилади*** |
| Ҳафталик **иш юкламаси** (соат) | ~ 60 | 40 |
| **Рағбатлантириш** | **мавжуд эмас** | **KPI** асосида иш ҳақининг **50 фоизигача** |
| **Ижтимоий ҳамроҳлик хизмати** (тиббиёт ва спорт муассасаларига) **учун компенсация** | **мавжуд эмас** | **БҲМ** 10 фоизи |

## ЯНГИ ХИЗМАТЛАР

### "ИНСОН" МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР



**Чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш**

*Тасдиқланган жадвал асосида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан амалга оширилади.*

**Уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш**

*Овқат тайёрлаш, уй-жойларни йиғиштириш, кийим-кечакларни ювиш, гигиена тадбирларини амалга ошириш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни уйга етказиб бериш ва бошқа тадбирларини ўз ичига олади.*



**Ижтимоий ҳамроҳлик**

*Тиббиёт ва спорт муассасаларига боришда ижтимоий ходим ассистентлари томонидан ҳамроҳлик қилинади.*

**Уй-жой-маиший шароитларини тўсиқсиз ҳаракатланиш учун мослаштириш**

*Мослаштириш хизмати деворларга тутқич ўрнатиш, кириш жойларидаги тўсиқларни бартараф этиш ва уларни кенгайтириш, кириш йўлига пандус ўрнатиш, шунингдек, сантехника, газ ва электр ускуналаридаги носозликларни бартараф этиш ва бошқа ишларни амалга оширишни ўз ичига олади.*



**Дезинфекция ва дезинсекция тадбирлари**

*Заруратга кўра туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик бўлимлари томонидан "Инсон" маркази сўровномасига асосан бепул амалга оширилади.*

**Ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

*Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тиклаш, доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш, алиментларни ундириш, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни белгилаш, тазйиқ ва камситилиш ҳолатларини бартараф этишда кўмаклашишни ҳамда ҳуқуқий маслаҳат беришни ўз ичига олади.*



**Қариндошлар, дўстлар ва бошқа шахслар билан мулоқоти ҳамда кундалик ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини ошириш. Тьюторлик**

**Спорт орқали реабилитация қилиш**

*"Инсон" маркази томонидан параспорт билан шуғулланиш учун спорт объектларига йўлланма берилади.*

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# УЙДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## УЙДА КЎРСАТИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТЛАР

- *маиший хизмат кўрсатиш*
- *овқат тайёрлаш*
- *маҳсулотларни етказиб бериш*
- *гигиена тадбирларини амалга ошириш*

## ХИЗМАТЛАР ТУРИНИ КЕНГАЙТИРИШ

- **Тютюрлик**
  Замонавий **технологиялар** ва **хизматларни** тушунтириш
- **Ижтимоий ҳамроҳлик**
- **Сартарошлик хизматини ташкил этиш**
- **Маҳалла ички ресурслари асосида бошқа хизматлар**

## ЯШАШ ШАРОИТИНИ МОСЛАШТИРИШ ХИЗМАТИ

Турар-жой яшаш шароитини мослаштириш хизмати ногиронлиги бўлган, **мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга** кўрсатилади

- эшикларни **кенгайтириш**
- **пандус** *(шу жумладан, юқори қаватларда яшовчилар учун кўчма пандус)*
- **ошхона анжомларидан** фойдаланишни қулайлаштириш
- уй бўйлаб **деворларни дастаклар (перила)** билан **жиҳозлаш**
- **ванна ўрнига душ**
- зинапоялар икки **томонида дастаклар**
- **пол ва уй юзасини** мослаштириш
- чироқ ёққичларни **пастроқ кўчириш**, ётоқхонада **икки томонлама** чироқ ёққич ўрнатиш
- кўзи ожизлар учун **бурчакларни юмшатиш**, эшикларга **қўнғироқ қўйиш**
- эшитишида нуқсони борлар **эшикларини ёруғлик сигналлари билан жиҳозлаш**








## УЙДА ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИЛАР

| | АМАЛДА | ТАКЛИФ |
|---|---|---|
| Ижтимоий ходим **ассистентлари сони** | 2 338 | 3 530 |
| **Ўртача бириктирилган шахслар** сони | 8-10 нафар | **соатбай** иш тартиби |
| Ҳафталик **иш юкламаси** (соат) | ~ 60 | 40 |
| **Рағбатлантириш** | **мавжуд эмас** | **KPI** асосида иш ҳақининг **100 фоизигача** |

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР ОЛИШНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

## МАҲАЛЛАДА КЎРСАТИЛАДИГАН ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР

**2023 йил 1 ноябрдан**

Уйда **маиший-ижтимоий хизмат шаклларини кенгайтириш**

Ижтимоий ходим ассистентлари **ишини соатбай ташкил этиш**

**Маҳаллалар** кесимида **ижтимоий буюртма** шакллантириш

**Маҳалла гузарларида** ёлғиз кексалар ногиронлиги бўлган шахслар учун **спорт, мусиқа, ҳунармандчилик** йўналишларида **тўгаракларни** йўлга қўйишда иштирок этиш

**Парвариш нафақасини** белгилаш учун **аризаларни** қабул қилиш

Кам таъминланган, **ўзгалар парваришига мухтож** кексаларга **ижтимоий хизматларни ташкил қилиш учун парваришлаш нафақаси** жорий этилади

**2023 йил 1 декабрдан**

**Ҳолатини баҳолаш ва ижтимоий хизматларни** бириктириш жараёнларини **рақамлаштириш**

**хотирани қисман** ёки **тўлиқ йўқотган** кексалар учун **ижтимоий хизмат** кўрсатиш **тартибини** ишлаб чиқиш

**2024 йил 1 мартдан**

**Уйда тиббий-маиший стационар** хизмати

## САХОВАТ УЙЛАРИДА ҚАТНОВ АСОСИДА ХИЗМАТЛАР ОЛИШ

**Мултифункционал** хизматлар марказига айлантирилиб, **мобил, кундузги хизматлар** ва **меҳнат реабилитацияси** хизматлари жорий этилади.

Яшовчиларга **меҳнат фаолияти** билан шуғулланиш рухсат этилади.

**Кундузги хизматлар (day care)**

- **Маданий тадбирлар**
- **Мулоқот майдони**
- **Соғломлаштирувчи жисмоний тарбия** ва **спорт** билан **шуғулланиш**
- **Меҳнат реабилитацияси**
- **Тиббий муолажалар**
- **Психолог** ва **терапевт** хизмати
- **Бепул тушлик**

**ТАКЛИФ**

Ихтисослаштирилган муассасалар **хизматлари** ва **иш режими кенгайиши, моҳиятан янги тизим яратилишини** инобатга олиб,

**"Кексаларни қўллаб-қувватлаш маркази"** деб номлаш таклиф қилинади

## ПАРВАРИШ БОЗОРИ ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тошкент шаҳрида **эксперимент тариқасида ёлғиз кексалар** ва **ногиронлиги бўлган шахсларга** нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали ижтимоий **хизматларни кўрсатиш**

- ***кундузги қатнов***
- ***уйда ижтимоий-маиший хизматлар***
- ***ижтимоий транспорт***
- ***бошпана (шелтер)***

**Ягона платформа яратиш**

**Ижтимоий хизматларга бўлган талабни шакллантириш** ҳамда хизматларни етказиб берувчи **субъектлар ўртасида боғловчи** бўладиган **"Ижтимоий хизматлар платформаси"** яратиш

- ***Ижтимоий хизматларга бўлган талабни шакллантириш (ижтимоий, давлат буюртмаси)***
- ***ННТ томонидан ижтимоий шериклик лойиҳаси бўйича ташаббус киритиш;***
- ***Лойиҳалар ва хизматларни амалга оширишга тижорат субъектлари, волонтёрлик ҳаракатлари ҳамда бошқа шахсларни жалб қилиш***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича” қарорни имзолади. У қуйидагиларни назарда тутади:

↓

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга ***“оила — маҳалла — туман ва ҳудуд”*** тамойили асосида комплекс ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилади.

↓

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ички ишлар органларининг 102 рақамига келиб тушган мурожаатлар асосида рўйхатга олинади.

↓

Барча ҳудудлардаги шошилинч қабул бўлимларида 24/7 ишлайдиган бирламчи кўмак хоналари ташкил этилади.

↓

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг ҳудудий марказларида вақтинчалик бошпана (шелтер)лар фаолияти йўлга қўйилади.

↓

Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг реестри юритилади.

**2024 йил 1-июндан:**

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя **ордерисиз** ҳам ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

жабр кўрган хотин-қизлар туман ва шаҳар шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларига жойлаштирилади. Шошилинч қабул бўлимларида тун-у кун ишлайдиган **бирламчи кўмак хоналари** ташкил этилади.

***Тазйиқ ва зўравонлик ҳолати ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида қуйидагилар амалга оширилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| хотин-қизлар фаоли ва маҳалладаги профилактика инспектори иштирокида тазйиқ ва зўравонликни содир этган шахс билан суҳбат ўтказилади; | профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилади; | тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч қабул бўлимларига жойлаштирилади; | расмийлаштирилган ҳимоя ордерлари ва жабрланган шахсларга доир маълумотлар “Инсон” марказларига “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизими орқали юборилади. |

# ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШ

*(Жондор туманининг Ушод махалласидаги **690 та оилада ўтказилган** сўровнома асосида)*

| | |
|---|---|
| Аҳоли сони | **183** минг |
| Оила сони | **50** минг |
| МФЙ сони | **52** |

**Ҳимоя ордери олганлар сони**

**2** нафар

*Шундан, **1 нафари** Ягона реестр рўйхатида туради*

**Сўровнома ва хатлов натижасида аниқланганлар сони**

**9** нафар

**Ҳимоя ордерини расмийлаштиришга розилик берилган**

**3** нафар

**Ёши**




**Зўравонлик турлари**




**Маълумоти**




*тазйиққа учраган **3 нафари** олий маълумотга эга эмас*

**Даромади**




**Содир этган шахс**




**Тазйиққа учраган аёлларнинг ижтимоий хизматга бўлган эҳтиёжи**



IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ

| 941,9 минг | 2,6% | 161,9 минг | 47,6 минг | 46,9 |
|---|---|---|---|---|
| Ногиронлиги бўлган шахслар | Республика аҳолисининг | Воситаларга эҳтиёжи бўлган шахслар | 2023 йилда воситалар билан таъминлаш режаси | 2023 йилда харажатлар (млрд сўм) |

01.01.2024 ҳолатига




**2023 йил бошидан таъминланган воситалар**

- **14 627** Протез-ортопедия мосламалари
- **12 029** Кресло-аравача (дона)
- **6 207** Эшитув аппарати (дона)
- **6 360** Хассаси (дона)
- **3 310** Қўлтиқ-таёқ (жуфт)
- **4 884** Бошқалар

- Протез-ортопедия мосламаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчи **11 та корхона мавжуд**

**6 таси асосан сертификат** бўйича тақдим этиладиган мосламалар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келади.

**5 та корхона замонавий** протез-ортопедик **маҳсулотлар** ишлаб чиқариш **имкониятига эга** бўлиб:

- **сертификат асосида** ўрнатилган нархлар доирасидан келиб чиқиб, **қониқарсиз сифатдаги мосламалар** ишлаб чиқармоқда;
- бироқ, **сифати бугунги кун талабига жавоб берадиган, кўп функционал** протез мосламаларини **бозор нархида** сифатли ишлаб чиқаради.

- Реабилитация техник воситаларини **сертификат асосида** етказиб берувчи **17 та корхона мавжуд**

Етказиб бериладиган реабилитация қилиш техник воситаларини (эшитиш аппарати, кўзи ожизлар учун ҳасса, пешоб-нажас қабул қилгич) асосан импорт товарлар ҳисобланади

## ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

### ТУРКИЯ

**Протез мосламалари** ва реабилитация техник воситаларига муҳтожларни **таъминлаш тиббий суғуртадан** ва **маҳсулот нархининг** 50 фоизи давлат томонидан тўлаб бериш **орқали** таъминланади. Фуқаролар давлат аккредитациясидан ўтган корхоналарни **ўзи томонидан танлайди** ва **мурожаат қилади.**

Воситалар стандарлари халқаро стандарлардан келиб чиқиб белгиланади. **Стандартлардан келиб чиқиб, бозор нархларини** инобатга олган ҳолда **ҳар йили ўртача нархларни** шакллантириб олади.

**300 га яқин ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд.**

### ҚОЗОҒИСТОН

Қозоғистонда ногиронлар махсус портал орқали **68 компания томонидан ишлаб чиқиладиган 55 турдаги протез ва реабилитация воситаларини танлаш** имконига эга. Улардан **24 хили бепул.**

### БЕЛАРУСЬ

**"Белоруссия протез-ортопедик заводи"дан 64 турдаги** реабилитация махсулотларни **ваучер тизими орқали** ногиронларни узлари танлаб олиши ташкиллаштирилган.

**протез буюмлари – 30 та, кресло-аравачалар – 22 та** (7 та болалар учун), **ортопедия буюмлари – 12 та** (махсус телевизор, соат, телефонлар).

| | Ўзбекистон | Озарбайжон | Россия | Беларусь | Қозоғистон |
|---|---|---|---|---|---|
| Кресло аравача фойдаланиш муддати | 5 йил | 2-4 йил | 1.5-4 йил | 2-4 йил | 4 йил |
| Воситалар руйхати | 18 тур | 57 тур | 64 тур | 59 тур | 60 тур |

# Протез мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш

## Эски тартиб

1. Фуқарога тиббий хулосаса расмийлаштирилади. (ТИЭК ва ВМК томонидан)
2. Тиббий хулосага асосан туман (шаҳар) Инсон марказига мурожаат қилади.
3. Мурожаатга асосан сертификат расмийлаштирилади.
4. Фуқаро сертификатга асосан ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи ташкилотга мурожаат қилади.
5. Ташкилот фуқарони тегишли маҳсулоти билан таъминлайди. (*45 кун*)
6. Ташкилот сертификатнинг тегишли қисми билан биргаликда шартномани Худудий бошқармаларга жўнатади.
7. Худудий бошқармалар шартнома ва сертификатнинг тегишли қисмларини “Инсон” марказига ўрганиш учун жўнатади. (*2 кун*)
8. “Инсон” маркази ўрганиш натижасини Худудий бошқармага юборади. (*5 кун*)
9. Худудий бошқармалар ўрганиш натижаларига кўра тегишли маблағларни ташкилотга ўтказиб берилади (*5 кун*)

## Янги тартиб

1. ТИЭК электрон **ахборот тизими** хулоса расмийлаштирилади. (ТИЭК ва ВМК томонидан)
2. Ижтимоий ҳимоя ахборот тизимида электрон ваучер автоматик шакилланади ва фуқарога смс хабар юборилади.
3. Ваучер асосида электрон савдо орқали ўзи истаган маҳсулотга буюртма қилади.
4. Тадбиркор буюртмани қабул қилади ва етказиб беради. (Реабилитация воситалари - *5 кун* Протез мосламси – *45 кун*)
5. “Инсон” марказидаги ижтимоий ходимлар томонидан буюртма етказилганлиги ўрганилади. (*5 кун*)
6. Ўрганиш натижаларига кўра, Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими орқали тегишли маблағлар тадбиркорга ўтказиб берилади. (*1 кун*)

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# АМАЛДАГИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИДА МАВЖУД МУАММОЛАР

**1**

***Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг*** *(ТИЭК) ва* ***Врачлик-маслаҳат комиссиясининг*** *(ВМК)* ***тиббий хулосасини олади***

***Протез-ортопедия ва реабилитация воситаларига муҳтожлик хулосаси:***
***болаларга*** *- Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари*
***18 ёшдан катталарга*** *Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари;*
***пенсия ёшидаги*** *муҳтож шахсларга Тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан берилади.*

**2**

***Фуқаро*** *тиббий хулосага асосан туман (шаҳар)* ***Инсон марказига мурожаат қилади***

***Тизим рақамлашитирилмаган***

*Туман (шаҳар)* ***бўлимига шахсан боришга*** *ёки ҳаракат имконияти чекланган тақдирда* ***масъул мутахассислар уйига келишини*** *кутишга мажбур бўлмоқда.*

**3**

***Мурожаатга асосан сертификат расмийлаштирилади***

*Тиббий хулосага асосан* ***сертификат қоғоз шаклда берилиб***, ***"одам фактори" иштироки*** *орқали амалга оширилади.*

**4**

*Сертификатга асосан фуқаро ўзи хоҳлаган* ***ишлаб чиқарувчига*** *ёки* ***етказиб берувчига мурожаат қилади.***

*Амалда* ***барча сертификатлар*** *ижтимоий бўлим мутахассиси томонидан* ***тўпланиб***, ***бир ойда бир марта*** *ишлаб чиқарувчи* ***корхонага олиб бориши*** *амалиёти мавжуд ва* ***бу фуқаро танлов ҳуқуқи чекланишига олиб келмоқда***

**5**

***Ташкилот*** *белгиланган муддатларда фуқарони* ***тегишли маҳсулоти*** *билан* ***таъминлайди.***

*Ташкилотлар томонидан* ***белгиланган муддатларда*** *маҳсулотлар билан таъминлаш жараёнини* ***кузатиб туриш*** *ҳамда* ***мониторинг юритиш имконияти яратилмаган***

**6**

***Ташкилот*** *сертификатнинг тегишли қисми билан биргаликда* ***шартномани Худудий бошқармаларга жўнатади.***

*Ташкилот учун ортиқча бюрократик жараён*

**7**

*Худудий бошқармалар* ***шартнома*** *ва* ***сертификатнинг*** *тегишли қисмларини* ***туман (шаҳар)*** *бўлимларига* ***ўрганиш учун жунатади.***

*Ортиқча маъмурий-бюрократик жараён*

**8**

*Туман (шаҳар) бўлимлари* ***2 кун*** *муддатда* ***ўрганиш ўтказади*** *ва натижасини Худудий бошқармага* ***маълум қилади.***

*Таъминлаш факти тасдиқланиши* ***қоғоз шаклдаги ҳужжатлар ҳаракати*** *орқали ҳамда* ***бир нечта идоралар т****омонидан амалга оширилиши натижасида молиялаштириш* ***узоққа чўзилади***

**9**

*Худудий бошқармалар* ***ўрганиш натижаларига*** *кўра тегишли маблағлар* ***ташкилотларга молиялаштириб борилади.***

***Молиялаштириш тизимидаги муаммолар*** *сабабли, корхоналарга мосламалар учун тўлов* ***бир ойгача муддатда амалга оширилмаслик ҳолатлари мавжуд***

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

## ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ

### Муҳтожлик белгиланиши

***Ногиронлик расмийлаштирилиши*** *билан* ***бир вақтда,*** *воситаларга* ***муҳтожлик белгиланади***

*Ижтимоий ҳимоя АТ томонидан* ***“ваучер” онлайн*** *шакллантирилиб, шахсга автоматик* ***SMS-хабарнома юборилади***

### Воситани харид қилиш

***Таклиф қилинадиган мосламаларни танлаш, буюртма қилиш*** *ва* ***“ваучер” орқали тўловларни амалга ошириш*** *электрон платформаси яратилади*

***шунингдек, исталган тадбиркорлик субъектларидан ўзи истаган нархдаги*** *зарурий воситаларини электрон савдо майдончалари ёки электрон савдо платфомаси орқали харид қилинганда,* ***“ваучер” асосида белгиланган сумма компенсация қилинади.***

### Воситани тайёрлаш ва етказиб бериш

*Етказиб берувчи буюртмани олгач, восита* ***етказиб берилиши муддати*** *тўғрисида шахсга* ***1 кунда SMS-хабарнома юборади***

*Зарур ҳолларда* ***3 кунда*** *протез-ортопедия мосламалари учун* ***ўлчам олиш*** *куни ва жойи ҳақида* ***SMS-хабар*** *юборилади*

*Протез-ортопедия мосламалари* ***45 кунгача****, реабилитация қилишнинг техник воситалари* ***5 кунгача*** *муддатда етказиб берилади*

### Таъминлаш ҳолати мониторинги

***“Инсон”*** *ижтимоий ҳимоя марказлари томонидан етказиб бериш ҳолати* ***5 кун ичида мониторинг қилиниб, 1 кунда Ижтимоий ҳимоя АТ*** *орқали ҳудудий бошқармага электрон тарзда* ***билдиришнома юборади***

### Таъминотни молиялаштириш

***“Ваучер”да кўрсатилган сумма 10 иш кунида етказиб берувчи ҳисоб рақамига ўтказади.***

***Ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинган воситалар учун харажатларни компенсация қилиш учун “Инсон” марказларига мурожаат қилинади.***

Натижада фуқаро томонидан **ўз хоҳишига кўра ваучер асосида харид қилиши**, ўз маблағлари ҳисобидан харид қилинган *(шунингдек, хорижда харид қилинган)* **воситалар харажатларининг ваучерда кўрсатилган миқдори компенсация қилинадиган тизим яратилади.**

## БЕПУЛ ТАЪМИНЛАНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИНИ КЕНГАЙТИРИШ

| Турлари | Кафолат муддати | Фойдаланиш муддати |
|---|---|---|
| *I. Протез-ортопедия мосламалари* | | |
| **1. Қўл протезлари:** *елка протези, елкадан олиб ташлангандан кейинги қўл протези, билак протези, кафт протези* | 6 ой | 24 ой / 48 ой |
| **2. Оёқ протезлари:** *сон протези, сон олиб ташлангандан кейинги оёқ протези* | 6 ой | 24 ой / 48 ой |
| 3. Болдир протези | 6 ой | 24 ой 48 ой |
| 4. Қўл ва оёқ камари ортопед аппаратлари, пластик корсетлар | 6 ой | 24 ой / 48 ой |
| 5. Корсет | 3 ой | 24 ой / 24 ой |
| 6. Кўкрак бези экзопротези | 6 ой | 12 ой / 12 ой |
| 7. Қўл ва оёқ камари тутори | 3 ой | 12 ой / 24 ой |
| 8. Бандаж | 3 ой | 12 ой / 12 ой |
| 9. Мураккаб ортопед пойабзал ва протезга пойабзал | 4 ой | 12 ой / 6 ой |
| *II. Реабилитация қилишнинг техник воситалари* | | |
| 10. Эшитиш мосламаси | 12 ой | 48 ой / 48 ой |
| 11. Қўлтиқ таёқ | 12 ой | 24 ой / 24 ой |
| 12. Ҳасса | 12 ой | 24 ой / 24 ой |
| 13. Тирсакли қўлтиқ таёқ | 12 ой | 24 ой / 24 ой |
| 14. Кўзи ожизлар учун ҳасса | 12 ой | 24 ой / 24 ой |
| 15. Юриш мосламаси (ходунок) | 12 ой | 24 ой / 24 ой |
| 16. Пешоб қабул қилгич (1 ойда 6 та) | 5 кун | 1 ой / 1 ой |
| 17. Нажас қабул қилгич (1 ойда 6 та) | 5 кун | 1 ой / 1 ой |
| 18. Хонага мўлжалланган ўриндиқли аравача | 12 ой | 60 ой / 48 ой |
| 19. Сайр қилишга мўлжалланган ўриндиқли аравача | 12 ой | 60 ой / 48 ой |
| *Янги қўшиладиган техник воситалар* | | |
| 20. Электр юритмали кресло-аравача | 12 ой | 48 ой |
| 21. Брайл алифбоси | 12 ой | - |
| 22. Брайл алифбоси бўйича ёзув мосламаси | 12 ой | 48 ой |
| 23. Овозли термометр | 12 ой | 48 ой |
| 24. Овозли тонометр | 12 ой | 48 ой |
| 25. Ҳасса тўрт оёқли | 12 ой | 24 ой |
| 26. Юриш мосламаси (Роллатор) | 12 ой | 24 ой |
| 27. Санитария ускуналари билан жихозланган кресло-аравача | 12 ой | 48 ой |
| 28. Қўлда бошқариладиган вело кресло-аравача | 12 ой | 48 ой |
| 29. Болалар учун электр юритмали кресло-аравача | 12 ой | 48 ой |
| 30. Овозли глюкометр | 12 ой | 24 ой |

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# ВОСИТАЛАР БИЛАН ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ

*Воситаларга муҳтожлиги бўлган шахс* ***“Ижтимоий ҳимоя” АТда*** *рўйхатдан ўтиш орқали* ***ваучер билан танишади***

↓

***Шахс ваучерга мувофиқ тегишли воситани танлайди***
*Ваучер ҳар бир муҳтожлик мавжуд восита учун алоҳида шаклланади*



*Воситаларга муҳтожлиги бўлган шахсларни* ***таъминлашда электрон платформадан*** *фойдаланиш амалиёти* ***Туркия*** *(butunlesik.aile.gov.tr),* ***Хитой*** *ва* ***Қозоғистон*** *(aleumet.egov.kz) каби мамлакатларда* ***йўлга қўйилган***

| Протез-ортопедия мосламалари | Реабилитация қилишнинг техник воситалари |
|---|---|
| ***платформада етказиб берувчилар томонидан таклиф қилинадиган*** *барча маҳсулотлар рўйхати шаклланади* | ***интернет дўконларида*** *мавжуд барча маҳсулотлар рўйхати шаклланади* |

↓

***Шахс томонидан маҳсулот танланиб, “ваучер” фаоллаштирилади***
*Масалан: 1 млн сўмлик ваучер асосида, нархи* ***800 минг сўм бўлган маҳсулот бўйича 800 минг сўмга****, 1,5 млн сўмлик маҳсулот бўйича* ***1 млн сўмга фаоллаштирилиб,*** *ўртадаги фарқ фуқаро ўз маблағлари ҳисобидан* ***тўлаш имконияти яратилади***

| | |
|---|---|
| ***уч кун ичида***<br>*Мосламанинг тайёр бўлиш муддати ҳақида мобил телефон рақамига SMS-хабарнома юборади* | ***бир кун ичида***<br>*воситани етказиб бериш муддати тўғрисида мобил телефон рақамига SMS-хабарнома юборади* |
| *мосламалар бевосита муҳтож шахсларга топширилади*<br><br>*Мосламаларни етказиб бериш буюртма қабул қилинган кундан ўттиз иш кунидан, мураккаб мосламаларни етказиб бериш қирқ беш иш кунидан ошмаслиги лозим* | *Воситалар фуқаронинг уйига ёки энг яқин буюртмаларни топшириш пунктига етказиб берилади*<br><br>*Воситаларни етказиб бериш буюртма қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида ошмаслиги лозим* |

↓

*Етказиб берувчилар қабул қилинган* ***ҳар бир буюртмани етказиб берганидан кейин бир иш куни ичида*** *тегишли буюртмалар бажарилганлигини* ***ахборот тизими орқали тасдиқлайди***

↓

*Воситалар* ***ҳақиқатда етказиб берилганлиги ҳолати*** *ижтимоий ходим томонидан* ***тасдиқлангач,*** *ҳудудий бошқармалар томонидан* ***“ваучер” фаоллаштирилган маблағларни етказиб берувчиларнинг ҳисоб рақамларига 1 иш кунида*** ***ўтказиб беради.***

***UZUM*** *маркетплейсида воситалар* ***танланиши*** *ва* ***ваучер орқали тўлов*** *лойиҳаси*

- ***Республика бўйлаб етказиб бериш*** *хизмати*
- ***Омборхоналари*** *ва мукаммал* ***ҳисобот тизими***
- ***288 та*** *буюртма топшириш* ***пункти***



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

# Нафақа тўловларини манзиллилигини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар

Республика бўйича оилалар умумий сони
**9 729 960**

## Нафақа олувчи оилалар қамрови




2023 йил ноябрь
**2 284 461**

2024 йил февраль
**1 728 870**

2024 йил апрель
**1 344 455**

## Умумий нафақа олувчиларнинг улуши




## Мол мулки ва даромалари қайта ўрганиш натижасида реестрдан чиқарилган оилалар




Даромади мезондан ошган оилалар сони
**262 568**

Авто-транспорт воситалари сотиб олган оила аъзоси
**68 311**

Кўчмас мулк сотиб олган оила аъзоси
**13 185**

## Нафақа тайинлашда рад этиш сабаблари




Расмий банд бўлмаган оила аъзоларининг мавжудлиги
**59.4** %

Ўртача ойлик даромаддан ошиши
**29.0** %

Янги, икки ва ундан ортиқ автоуловга эгалик қилиш
**9.1** %

Биттадан ортиқ кўчмас мулки мавжудлиги
**2.6** %

**Ўртача аризалар сони:**

| Республика | Туман (шаҳар) | МФЙ |
|---|---|---|
| 241 495 | 1 161 | 26 |

## Нафақа олувчи оилалар сони динамикаси




| | Ноябрь | Февраль | Апрель |
|---|---|---|---|
| Отаси/онаси меҳнат мигранти бўлган оилалар | 12.1 % | 13.9 % (▲ 1.8% ўсиш) | 15.0 % (▲ 1.1% ўсиш) |
| Тўлиқсиз оилалар (ёлғиз она/ота) | 7.2 % | 9.1 % (▲ 1.9% ўсиш) | 12.0 % (▲ 2.9% ўсиш) |
| 4 ва ундан кўп болали оилалар | 4.2 % | 4.7 % (▲ 0.5% ўсиш) | 5.8 % (▲ 1.1% ўсиш) |
| Фарзанди ногирон бўлган оилалар | 0.3 % | 0.3 % | 1.0 % (▲ 0.7% ўсиш) |

## Нафақа харажатлари динамикаси




2023-йил декабрь ойидан апрель ойига қадар иқтисод қилинган маблағ
**1 215,9** млрд. сўм

Реестрдан чиқарилган оилалар сони
**940** минг нафар

| | |
|---|---|
| 2023 йилда | 12 293,0 млрд. сўм |
| 2024 йил режаси | 10 333,0 млрд. сўм (▾ -1 960,0 млрд.сўм) |
| 2024 йил 4 ойда | 3 114,7 млрд. сўм |
| 2024 йилда кутилаётган | 8 954,7 млрд. сўм (▾ -1 378,3 млрд.сўм) |

## БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛУВЧИ ОИЛАЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИ



Фарғона вилояти Фарғона тумани, “Бўстон” маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.О.



Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани, “Жумабой” маҳалласида яшовчи фуқаро К.Ф.



Бухоро вилояти Ғиждувон тумани, “Хатча” маҳалласида яшовчи фуқаро Х.Д.



Наманган вилояти Чуст тумани Тоймасобод МФЙ Висол кўчасида яшовчи Т.С.



Фарғона вилояти Фарғона тумани “Кончилар” маҳалласида яшовчи фуқаро С.А.



Қашқадарё вилояти Қарши тумани Хониён маҳалласида яшовчи, Б.Х.



Тошкент шаҳар Учтепа тумани, “Саккокий” маҳалласида яшовчи фуқаро М.Д.



Жиззах вилояти Бахмал тумани Оқтош маҳалласида яшовчи К.Г.



Фарғона вилояти Фарғона тумани “Янгиобод”маҳалласида яшовчи фуқаро С.М.



Қашқадарё вилояти Қарши тумани Хониён маҳалласида яшовчи Ш.М.

* Фуқароларнинг исм фамилияси ўзгартирилган

# “Ғамхўрлик” гуруҳлари фаолияти

**“Ғамхўрлик” гуруҳи** ихтисослаштирилган таълим муассасаларига бормайдиган болаларнинг тўлақонли камол топишини таъминлаш, уларни тенгдошлари ва катталар даврасига мослаштириш учун мўлжалланган.

Ушбу турдаги гуруҳларни ташкил этишнинг **асосий вазифалари** оғир ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни парвариш қилиш, шунингдек, ҳар бир боланинг жисмоний ва руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий интеграция хизматлари, ўз-ўзини парвариш қилишнинг ва мустақил яшаш учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантириш асосий кўникмалари ривожлантириш ва таълим хизматларини кўрсатишдир.

**2024 йил январ ойидан бошлаб бугунги кунгача Республика ҳудуларда 26 та ПТПК ўтказилди:**

келиб тушган аризалар – **4 600 та**

комиссияга тасдиқланганлари – **2 650 та** *(57,6%)*

хулоса берилганлар сони – **1 888 та** *(69,0%)*

хулоса беришда рад этилганлар – **347 та** *(13,0%)*

Шундан:

давалат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига – **1 811 та** *(96,0%) (шундан 18 таси (1,0%) “Ғамхўрлик” гуруҳларига);*

ихтисослаштирилган мактабларга – **77 та** *(4,0%) (шундан* ***18 таси*** *(23,3%)* ***“Ғамхўрлик” гуруҳлари****га);*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI HUZURIDAGI IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

# Inson uchun

RESPUBLIKA SAVDO KO'RGAZMASI

Ногиронлиги бўлган шахсларни банд қилган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида *жорий йил 1-2 май кунлари* “Ўзэкспомарказ”да “Инсон учун” ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг **1-республика кўргазмаси** ташкил этилди.

Тадбир доирасида вазирлик, идора, йирик давлат корхоналари, тадбиркорлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ишловчи корхоналар ўртасида 1,1 мингга яқин хўжалик шартномалари имзоланди.

Жумладан, **250 дан** зиёд тадбиркорлар, шунингдек, **212 та** – ногиронларни банд этган корхона ва **40 нафар** – ҳунарманд, шунингдек, “Мурувват” уйлари, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари ҳамда махсус мактаб-интернатлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан иштирок этди.

Жумладан, **2024 йил март-апрель** ойларида **235 млрд** сўмлик **100 га** яқин, шунингдек, **1-2 май** кунлари **440 млрд** сўмлик **900 га** яқин хўжалик шартномалари тузилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги – **253 млрд сўмлик**, Спорт вазирлиги – **38 млрд сўмлик**, Соғлиқни сақлаш вазирлиги – **21,7 млрд сўмлик**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги –**19,4 млрд сўмлик**, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – **10 млрд сўмлик** шартномалар имзолади.

**22 млн** Уникал кўришлар




| | |
|---|---|
| Телевидение орқали кўришлар сони | 1 млн |
| Телеграм каналлар орқали кўришлар сони | 0 5 млн |
| Расмий интернет нашрлари орқали кўришлар сони | 4,1 млн |
| Блогер ва жамоатчилик фаоллари орқали кўришлар сони | 16+ млн |